



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунини ўтказилиши, шунингдек, 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 71 йиллиги нишонлини муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 800 000 (саккиз юз минг) сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти белгилансин.
2. Мазкур Фармонини бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадий академия, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамағатлари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.
5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 18 апрел

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдида



Ёшларнинг ижод намунаси ҳавола этилади

Ёшларнинг икки мингга яқин ижод намунаси ҳавола этилади

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган Тасвирий ва амалий санъат фестивали бошланди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида ўтган фестивалнинг очилиш маросимида турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар вакиллари, санъатшунослар, профессор-ўқитувчилар, рассомлар, хунармандлар, ёшлар, мамлакатимиздаги элчихоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Сунь Лицае, Словакия Республикасининг Фавкулда ва мухтор элчиси Иван Павол ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантириш

га алоҳида эътибор қаратилаётгани, ижодкор ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ёшларнинг ўз се-

вимли машғулоти билан шуғулланиши учун барча зарур шароит яратилмоқда.

Навқирон авлод маънавияти, тафаккури, эстетик тарбиясини юксалтиришда тасвирий санъат муҳим ўрин тутди. Истиқлол йилларида барпо этилган санъат мактаблари, кўرғазма заллари, турли фестиваллар самарасида ўғил-қизлар санъатта ошно бўлмоқда, истеъдодини юзага чиқармоқда.

Анъанавий Тасвирий ва амалий санъат фестивалида халқимизнинг бой мероси, соҳадаги замонавий тенденция ва ютуқлар намойиш этилади. Ёш мўйқалам соҳибларининг ижоди атрофича таҳлил этилиб, улارга зарур кўмак ва маслаҳатлар берилди.

Фестивал Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Таъқиқ ишлар вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган. Кўрғазмалар Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент Фотосуратлар уйи, Камолитдин Бехзод номидаги мемориал боғ-музейи, Халқаро маданият қарвон саройи, Ўзбекистон давлат санъат музейида ўтказилди. Уларда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн-институтини, Тошкент архитектура-қурилиш институтини, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, рассомлик ва дизайн коллежлари, Бадий академия тизимидаги таълим масканлари ўқитувчилари ва улارнинг шоғирдлари ижоди билан танишиш мумкин. Фестивал тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам бўлиб ўтади.

«Энг яхши ўқув муассасаси», «Энг яхши мураббий», «Энг яхши тасвирий санъат йўналиши», «Энг яхши кўрғазма» сингари ижодий танловлар бадий таълимни ривожлантириш, илғор иш таърибаларини омаллаштиришга хизмат қилади. Моҳир мусавирлар, ҳайкалтарошлар, уста-хунармандлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари талаба-ёшларнинг тасвирий санъатга оид билимларини бойитади. Кўрғазмаларда ёшларнинг икки мингга яқин бадий, амалий санъат бўйича ижод намунаси намойиш этилади.

»(2).

Саноат ярмаркаси



Маҳсулот ва имкониятлар

намоиши ҳамкорлик алоқаларига асос бўлди

Навоийда бўлиб ўтган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳудудий босқичида ишлаб чиқарувчилар ўртасида 30 миллиард сўмликдан ортиқ шартномалар имзоланди.

Саноат ярмаркасида 200 га яқин ишлаб чиқариш субъектлари, хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ўз маҳсулотлари ва ишланмалари билан иштирок этди.

Ҳар йили юқори савияда ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка кўплаб ҳамкорлик шартномалари тузилишига ҳамда худудда экспортбон ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари

ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ярмаркада вилоятда маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилаётган янги маҳсулот турлари, хусусан, маиший техникалар ва буюмлар, замонавий медицина маҳсулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, банк хизматлари турлари, қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар каби бир-нечта янги лойиҳалар йиғилганлар эътиборини тортди.

Руслан САБУРОВ,
«Ishonch» муҳбири

Обод гўша одамлари

Бир келиб кетинг қишлоғимизга

Қиз бола палахмон тоши, деб бежиз айтишмаган. Тақдир тақозоси билан туғилган қишлоғимдан анча олисда умргузаронлик қиляпман. Бироқ болалик хотиралари, тупроқ кўчалар, бири-биридан камтарин ва танги қишлоқдошлар меҳрини унутиб бўларканми? Ҳар сафар ота-онамни зиёрат қилгани борганимда юз берган ўзгаришлардан мамнунлик ҳиссини туяман. Кейинги пайтда қишлоқ ўзгача чирой очиб, аҳоли яшаш тарзи, турмуш маданияти ҳам юксалди. Аввалги пастак паҳса девор уйлар ўрнида баланд иморатлар қад ростлаган, кум кўчаларга асфалт ётқизибли, йўл ёқалари турфа манзарали дарахтлар билан безанган.


Биз илгари барак типидagi мактабларда ўқиганимиз. Ҳозирги ёшлар барча қулайликка эга замонавий билим масканда таълим-тарбия олишмоқда. Уша йилларда кўчамизда битта «Москвич» машинаси бўлиб, у ҳам мактаб директориники эди. Ҳозир-чи, ҳар бир хонадон дарвозаси олдида ўзинида ишлаб чиқарилган турли русумдаги машиналар яраклаб турибди. Бир нечта маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, новвойхона, гўзаллик салони аҳоли хизматида. Бу каби қулайликлар, одамлардаги меҳнатга иштиёқ, ҳаётдаги кўтаринкилик, кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни бутун бўй-баста билан тасвирлагандек бўлади.

Айтишларича, қадимда қишлоқ худуди одамлар ов қиладиган чангалзор экан. Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида жойлашган, ҳозирда 6 та маҳаллани жам-

лаган гўша ҳам шу номда аталади. Бу манзилда қўним топган инсонларнинг меҳнат-севарлиги, ернинг ҳақиқий миришқори эканлигига ишора.

— Қишлоғимизда 20 минг 800 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди ҚФЙ раиси Азамат Вакилов. — Уларнинг ҳар бир ишга ҳамжиҳатликда ёндашувидан, ташаббус ва тақлифларидан қувонаман. Наврўз умумхалқ байрами ҳам кенг нишонланди. Дошқозонларда сумалаклар пиширилиб, элга ош тортилди. Касаллар, йўқсиллар ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам совғалари тарқатилди.

Худудда рўй бераётган бунёдкорликларни айтмайсизми! Биргина ўтган йили 700 ўринга мўлжалланган тўйхона, янги ФХДБ бўлими биноси, маҳаллаларда ҳомийлар кўмаги билан болалар спорт майдончалари қуриб битказилди. Жорий йилда 16 та намунали лойиҳадаги уй-жойлар бунёд этилиб, ўз эгаларига



топширилди. Буларнинг бари юртимизда кўчм сураётган тинчлик-осойишталик мевасидир.

ЕРСЕВАРНИ — ЭЛ СЕВАР

Шундай миришқорлар борки, улар тупроқни кўзига тўтиб қилиб, қақраган ерда гийҳ ундириб, боғу-бўстон яратишади. Ҳар бир ниҳолни боласидек авайлаб, парварош қилиш, ҳрсилга киргунча заҳмат чекиб, мөҳр бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Фақат асл деҳқонгина бунинг урдасидан чиқади. Шодмонқул Кенжаев шундайлардан бири. У юртимизда фермер хўжаликлари ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларга биринчилардан бўлиб «лаббай» деб жавоб бериб, боғдорчиликка иктиссослашган фермер хўжалигини ташкил этди.

»(4).

Бандлик

Андижон вилоятида янги иш ўринларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Янги иш ўринлари

Жумладан, Истеъмом товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Асака 4-та янги иш ўрни ташкил этилди. Зарбдор ҚФЙда яшовчи Абдувосил Сиддиқов касаба уюшмасининг молиявий ёрдами туфайли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўлди. Темир, чўян материалларидан турли иситиш қурилмалари, маиший ва қурилиш буюмларини яратиш, қайта таъмирлаш ишларини амалга оширувчи кичик цех ишга туширилди. Натигада, 4 нафар коллеж битирувчинининг бандлиги таъминланди.


— Юртимизда тадбиркорлар ва ёшларимиз манфаатини кўлаб қилинаётган саъй-ҳаракатлар жамотчилик томонидан муносиб баҳосини олаётганидан хурсандман, — дейди тадбиркор А.Сиддиқов.

Б.ҲАМДАМОВ,
тармоқ ходимлари
касаба уюшмаси
Республика
кенгашининг
Андижон
вилояти бўйича масъул
ташкилотчиси



Аёл борки,
олам нурафшон

>> 2



Бугунги
Эски шаҳар

>> 3

Жамоа шартномаси — амалда

Газчилар анжумани

Қарши шаҳрида «Жанубгазтаъминот» унитар корхонасининг 2013 — 2015 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси ижросига доир конференция бўлиб ўтди.

Дастлаб корхона раҳбари Анвар Темиров иш берувчи сифатида жамоа шартномасига кўра амалга оширилган

ган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Сўнгра касба уюшма кўмитаси раиси Рустам Муродовнинг маърузаси эшитилди.

Кайд этилганидек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хатарсиз меҳнат шaroитларини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш масалалари ҳозирда касба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Утган йил давомида меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакиллар томонидан ўтказилган текширувлар натижасида бир қатор камчиликлар аниқланиб, уларни вақтида бартараф этиш чоралари кўрилди.

Ҳозирда маънавий-маърифий тарғибот ишларини замон талаби асосида ташкил этиш,

ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, ходимларда ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Маънавият-тарғибот маркази ходимлари, олий тоифали шифокорлар, фан арбоблари ҳамда ҳудудий ички ишлар бўлими ходимлари иштирокида ҳар ойда «Маънавият соатлари» ўтказилапти.

Таъкидлаш жоизки, Кексаларни эъзозлаш йили унутилмас хайрли ишларга бой бўлди. Корхонада ишловчи кекса ходимларни спортга жалб қилиш юзасидан кўпдан-кўп тадбирлар амалга оширилди. Май ойида Бухоро ва Хоразм вилоятларига уч кунлик саёҳат уюштирилди. Шунингдек, 73 нафар ходим соғломлаштирилди. Ёз мавсумида ходимларнинг 341 нафар фарзанди Қашқадарё вилоятидаги «Истиқлол гунаҳари», Улугбек ҳамда Сурухондарё вилоятидаги «Вахшвор», «Мироб», Қулнйезов номида-

ги оромгоҳларда дам олдирилди.

Халқаро ногиронлар кўни арафасида корхона томонидан Қарши шаҳридаги кўзи оҳизлар мактаб-интернати тарбияланувчиларига ҳамда эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлик ёрдами уюштирилди. Бундан ташқари, корхонада ишлаб келаётган ногирон ҳамда ногирон фарзандлари бор 16 нафар ходимга корхона ва касба уюшма кўмитаси ҳисобидан моддий кўмак берилди.

Музокаралар жараёнида «Китобтумангаз» филиали цех касба уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Каримов, «Деновтумангаз» филиали касба уюшма кўмитаси етакчиси Алфер Гафуров, «Нишонтумангаз» филиали бошлиғи Абдумўмин Насриддинов, «Шерободтумангаз» филиали меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича муҳандиси Мусурмон Чориев ҳамда «Шахрисабзтумангаз» филиали цех касба уюшма кўмитаси раиси Қаҳрамон Рустамов жамоа шартномасининг бажарилиши бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Конференция сўнгига бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ҳамда илгор ходимларга Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Касба уюшмаси аралашгач...



Ходимлар манфаати эътиборда

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан «Меҳнат шaroитлари ва муҳофазаси» йилининг 2015 — 2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури доирасида кимё sanoati корхона, ташкилот ва муассасаларида меҳнат шaroити ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан шаҳодатдан ўтказилиши мониторинг қилинди. Ушбу жараёнга Кимё sanoati ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши, Меҳнат вазирлиги, «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, «Ўзкимё sanoati» АЖ ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти мутахассислари жалб этилди.

Ўрганиш даврида бир қатор ижобий натижаларга эришилгани аниқланди. Жумладан, тизимдаги корхоналарда жамоа шартномалари тузилиб, уларни назорат қилиб борувчи комиссиялар фаолият кўрсатапти. Улар томонидан жамоа шартномаларининг ярим йиллик ва йиллик якуни бўйича бажарилиши назоратга олиниб, далолатномалар тузилмоқда ва бу ҳақда меҳнат жамоасининг умумий йиғилишларида ҳисобот бериб берилмоқда. Корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган мингга яқин вакиллар фаолият олиб бормоқда. Улар ўрнатилган тартибда ўқитилиб, билимини синовдан ўтказиш йўлга қўйилган.

Шу билан бирга тизим корхоналарида айрим муаммолар аниқланиб, ишчи гуруҳ томонидан тавсиялар тайёрланди ҳамда идораларо ишчи гуруҳда муҳожама этилди.

Маълумки, «Навоийазот» АЖ республикамиздаги йирик кимёвий корхоналардан бири ҳисобланиб, 10 мингдан ортиқ ишчи-ҳодим ишлайди. Нафақадаги ходимлар қонун асосида белгиланган имтиёزلардан фойдаланяпти.

Аммо кейинги пайтларда соҳа корхоналарининг ўта зарарли ва оғир шaroитларида ишловчи ходимлари имтиёзли пенсияга чиқишда муаммолар юзга келаятгани.

Корхоналар томонидан иш жойларини ўз вақтида аттестациядан тўлиқ ўтказилмаганиги натижасида имтиёзли пенсия ҳужжатларини расмийлаштириш қийинлашди. 300 га яқин ишчининг имтиёзли пенсия ҳужжатларини расмийлаштириш туман, шаҳар пенсия жамғармалари томонидан рад этилди. 2013 йилга қадар имтиёзли пенсияга чиққан пенсионерларнинг нафақалари тўхтатиб қўйилди.

Утган йили Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан шақллантирилган ишчи гуруҳ томонидан «Навоийазот» АЖда юқоридаги муаммонинг келиб чиқиш сабаблари чуқур ўрганилди. Корхонанинг зарарли цехларида ишлаб, имтиёзли пенсияга чиқишда муаммога дуч келган ходимлар, нафақага чиқиб пенсияси тўхтатилган пенсионерлар билан суҳбатлар уюштирилди. Шунингдек, корхонанинг мутаассадди раҳбарлари билан мавжуд масалани ҳал этиш чоралари бўйича муҳокамалар ўтказилди.

Ниҳоят, ишчи гуруҳнинг берган тавсиялари ва амалий ёрдами натижасида «Навоийазот» АЖнинг зарарли меҳнат шaroитларида меҳнат қилган 300 яқин ишчи-ҳодим ва пенсионерларнинг ҳуқуқи тикланди.

Бизга амалий ёрдам кўрсатган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда ишчи гуруҳга «Навоийазот» АЖ меҳнат жамоасининг миннатдорчилигини билдирмаиз.

Ф.ФАЙЗИЕВА, «Навоийазот» АЖ касба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари

Ёшларнинг икки мингга яқин ижод намунаси ҳавола этилади

Қ(1).

— Фестивал юксак савияда, байрамона руҳда ташкил этилган, — дейди Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Винок Кумар. — Бу ерда Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатининг бор салоҳияти ва жозибаси билан танишиш мумкин. Санъат байрами доирасида турли мамлакатлар тасвирий ва амалий, фотография санъати оид кўргазма ҳам ташкил этилган. Халқлар ўртасидаги дўстлик, маданий-маърифий рўшталарни мустаҳкамлашга ҳизмат қилади.

...Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залига туташ ям-яшил худуд, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри рўпарасидаги хиёбон мароқ билан сурат ишлаётган ёшлар билан гавжум.

— Ушбу тадбир мамлакатимизда ёшларга эътиборнинг яна бир ифодасидир, — дейди Ўзбекистон халқ расоми Жавлон Умарбеков. — Кўргазмаларда иходкор педагоглар ва ёшлар ишларининг намойиш этилиши уларга ўзига хос мактаб вазирасини ўтади.

Тасвирий ва амалий санъат фестивалининг илк кунига Соғлом она ва бола йилига бағишланган кўргазма тақдими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги санъат ўқув муассасалари ўқитувчиларининг асарлари намойиш этилди. Марказий кўргазмалар залининг бир қисмида мамлакатимиздаги элчхоналар кўмагида бир қатор хорижий давлатларнинг расоомлари иходига оид кўргазмалар уюштирилди. Камалиддин Бехзод номидаги мемориал бог-музейда юртимиз тасвирий санъатининг тараққийёт босқичларига оид конференция, академик расоомлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА, Ўза мухбири

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Мустақиллик аёлларга жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ҳам ўзлигини намойиш қилиш имконини берди. Жумладан, фан, таълим, маданият, тиббиёт, спорт, тадбиркорликда эркаклар билан ёнма-ён ишлаб, ўз иқтидорини намойиш қилаётган хотин-қизларни ҳар гўшада учратиш мумкин.

Соғлом она ва бола йили, табиийки, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларимизни мустаҳкамлаш, миллат саломатлигига янада масъулият билан ёндашиш, халқ маънавиятини юксалтириш каби улкан вазифаларга бўлган эътиборни ҳар қачонгидан кучайтириб юборди. Жумладан, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси туман кенгашида 882 нафар аъзо билан бўлиб, уларнинг 483 нафари аёллар. Утган йил ходимларнинг Самарқанд, Бухоро шаҳарларига ҳамда қатор зиёратгоҳларга саёҳати уюштирилди. 22 нафар ходим санаторий-профилакторийларда имтиёзли соғломлаштирилди. 2 нафар фарзанди 3 ёшга тўлмаган оналарнинг ҳар бирига моддий ёрдам кўрсатилди. Аёллар ўртасида «Сени соғиндик, баҳор» деб номланган волейбол, шахмат, шашка, енгил атлетика бўйича мусобақалар ташкил этилиб,



Аёл борки, олам нурафшон

ғолиблар тармоқ туман кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Эътиборли томони, жамоа шартномаларининг 2015 йилда бажарилиши якунларига оид йиғилишларда аёллар ва ёшларга яратилган шaroитлар, белгиланган имтиёз ва кафолатлар алоҳида таъкидланиб, улар кўламини янада кенгайтириш чоралари кўриляпти.

Ҳа, жамият ҳаётида аёлларнинг ўрни бўлакча. Улар, аввало, ўз хонадони, қолаверса, маҳалланинг саранжом-

саришталигини таъминламоқда. Фарзандларини ёт гоғлар таъсиридан сақлаш мақсадида миллий анъана ва қадриятларимизни давом эттиришга чорламоқда. Уларнинг хунармандлигини айтмайсанми! Ким гилам тўқиган, ким миллий либослар яратиш, ўйинчоқлар, ўй-рўзгор буюмлари ясаб билан банд.

Қишлоқларда маиший хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаятгани, гўзаллик салонлари хизматининг кенг йўлга қўйилаятгани хусну-таровати етти

иқлимни лол қилган Хива қизларининг латофатини эида қилмоқда. Аёлларимиз билим ва маҳорати, истеъдоди, рўзгор тутиши билан ибрат кўрсатиб, овоз ва обод мамлакатимизнинг эртасини бугундан ҳам гўзал қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Моможон ЮСУПОВА, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Хива туман кенгаши раиси

Меҳр кунда керак

Кексалар — эъзозда

Халқимизда меҳр-муруват азалдан эзгу қадрият сифатида эъзозланиб келинган. Ташкент автомобил-йўллар институти маъмурияти ҳамда касба уюшма ташкилоти томонидан уюштирилган «Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати»даги тадбирда ҳеч ким эътибордан четда қолмади.

Наврўз таомлари билан безатилган байрам дастурхони ёзилиб, бир пиёла чой устида давра суҳбати ўтказилди. Учрашув институтининг «Йўлсоз» мусика ансамбли томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар билан янада файзли тус олди.

Учрашув фахрийлар руҳини кўтариб, дилларга қувонч бағишлади. Тадбир ниҳоясида пансионат раҳбари Т.Эшиев бундай учрашувни уюштирган ҳомийларга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Семинар

Наманган вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан бошланғич ташкилотлар билан ишлаш, улар фаолиятини тубдан тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Намунали бошланғич ташкилотчиси

Шу маънода тармоқ касба уюшмалари Наманган шаҳар кенгашлари тасарруфидоги бошланғич касба уюшма ташкилотлари раислари иштирокида ўтказилган «Намунали бошланғич ташкилотчиси» мавзусида амалий семинар айна мудабо бўлди. Унда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ташкилий ишлар

бўлими мудир Р.Содиқов ҳамда юридик бўлими мудир Б.Раҳимбердиев, шаҳар тармоқ касба уюшма кенгаши касба уюшма ташкилотлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб ҳар бир тармоқ касба уюшма шаҳар кенгашлари тасарруфидоги

сида бўлиб ўтди. Унда ҳар бир тармоқдан фаолият намунаси тарзда ташкил-лаштирилган бошланғич ташкилотлар раислари ҳисоботи тингланди.

Иштирокчиларга ЎзКУФК томонидан тайёрланган «Касба уюшмалари фаоллари учун» услубий қўлланмаси тарқатилди, тавсиялар берилди. Шунингдек, ишни намунали ташкил этган бошланғич ташкилот раисларига эсдалик совғалари топширилди.

Ноидра МАМАЮСУПОВА, Наманган вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси

Тадбир

Огоҳликка даъват

Зомин маиший хизмат касб-хунар коллежида ўқувчилар ва ота-оналар ҳамкорлигида «Биз диний экстремизм ва терроризмга қаршимиз» мавзусида ўтказилган тадбирда туман ички ишлар бўлими, «Қудуқча» қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари иштирок этди.

Тадбирда коллежнинг маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари М.Холматова, «Қудуқча» ҚФЙ маслаҳатчиси К.Валлаева, туман ИИБ ходими А.Алланазаров, коллеж касба уюшма кўмитаси раиси М.Иманова сўзга чиқишди. Айрим кўчлар томонидан диний

экстремизм ва фундаментализм, терроризм тўғрисидаги ахборотлар орқали жамоатчилик онги ва дунёқарашига таъсир этишга ҳаракат қилинаётгани барчамиздан хушёрлик ва огоҳликни талаб этиши таъкидланди. Шундан сўнг «Йўлини йўқотганлар», «Сўнги пушаймон» ва

Мамадали ҚУЛБОЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилояти раислар кенгаши ташаббуси билан Пайриқ туманида тармоқ касба уюшмасининг кўргазмали семинари бўлиб ўтди. Унда тизимда фаолият юритаятган касба уюшма фаоллари қатнашди.

Семинар иштирокчиларига Пайриқ туман кенгашида меъёрий ҳужжатларни юритиш, жамоатчилик қабулини ташкил этиш, меҳнатқашлар муружаатлари билан ишлашдаги мавжуд вазият билан яқиндан танишиш имкони яратиб берилди. Иқтисодий ва сервис касб-хунар коллежи бошланғич касба

Ибратли ишлар намойиши

уюшма ташкилотининг ибратли ишлари, ўқитувчи ва ўқувчилар ижтимоий ҳимоясига оид таърибаси «Пайриқ умидли келажак ёшлари» унитар корхонаси фаолияти билан танишув ҳам семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

— Туман касба уюшмалари томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилган янги иш ўринлари, айниқса, бизга манзур бўлди, — дейди тармоқ касба уюшмаси Жомбой туман кенгаши раи-

си Зулфия Отамуродова. — Ҳамкасбаримизнинг ибратли ишларидан ўзимизга тегишли хулосаларни чиқариб олдик. Биз ҳам янги иш ўринларини ташкил этиш арафасида турибмиз. Эндликда амалиётда қўллаш учун андозалар бор.


Ифтихор РАҲИМОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

ЖАРАЁН

Бир келиб кетинг қишлоғимизга

(11)

— Боғимиз 12 гектардан иборат бўлиб, 10 турга яқин мевали дарахтларимиз бор...



Ёшлар иш билан таъминланган.

ТАБИАТНИНГ БЕБАХО НЕЪМАТИ

Асалнинг дармондориллик хусусиятидан барча хабардор. Асалари оиласи таркиби она ари, эркак арилар ва 80-100 минг ишчи арилардан иборат бўлиб...

ТЕЖОҒЛИНИНГ ИШИ БЕЖОҒЛИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Миришкор қишлоғида ҳам банклар кўмаги билан иш бошлаб, аҳолига қулайлик яратётган тадбиркорлар кўп.

ёшларидан шогирдлар тайёрлади. Асосийси, бебахо неъмат туйғайли бир нечта оиланинг рўзғори обод бўляпти.

СОҒЛИГИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Илгари миришкорликлар тиббий кўриқдан ўтиш, турли муолажалар олиш учун вақт ва маблағ сарфлаб...

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Саломатлик-3» дастури асосида замонавий тиббий жиҳоз ва аппаратлар билан таъминланган КВПда яратилган шарт-шароитлар аҳолига манзур бўлмоқда.

кинчи фарзандимга хомиладорман, — дейди Раъно Хўжаева. — Қайси пайтда мурожаат қилмайлик, шифокорлар очик чехра билан кутиб олишади.

Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал, деган тамойилга амал қилаётган қишлоқ шифокорлари профилактика ишларини кучайтиришмоқда.

БАРЧОЙИДЕК ДОНО, АЛПОМИШДЕК МАРД

Қишлоқ аҳолисининг 10 минг нафардан зиёди ёшлар. Уларнинг аксарияти хууддаги турли касб-хўнар коллежлари, лицей ва мактабларда таълим олишмоқда.

Журналнинг янги сони



«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг 2016 йилдаги 1-сонини «Соғлом она ва бола» йилига бағишланган.

Журнал «Соғлом она ва бола — мустақам жамият асоси» сарлавҳа билан бошланади. Мақолада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларида бири этиб белгиланганлиги, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, хотин-қизларнинг турмуш шaroити ва дароҳасини ҳар томонлама яхшилаш юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлмали ишлар хусусида атрофлича фикр юритилди.

Долзарб мавзу

Автобус бекати. Мактаб ёшидаги болаларнинг суҳбати қулоғимга чалинди. Улардан бири жўшиб гапирар, қолганлари эса бутун вужуди билан тингларди.

Куннинг ўйлари

лефонига қайта-қайта қўнғироқ қилиб уланолмаган Манзура опа хавотирга туша бошлади. Ишдан қайтган эрига ўғлини хозиргина юмуш билан қўшиниқига юборганини айтганди.

Тўр тўқиётган «ўргимчаклар» Интернетни ҳаводан пул тўловчи манба дейиш мумкин. Тармоққа жойланган маълум бир ахборот ёки катта ҳажмдаги ўйинларни юклаш учун берилган биргина буйруқ ҳисобингиздан мумайгина суммани ечиб олиш учун етарли.

Тинчлик-осойишталик, фаровонлик замонида вояга етатган фарзандларимиз уруш нима-ю беватанлик қандай оғир жудолик эканлигини яхши билишмайди.


Хар тонг ўйғонганда барчамиз ишга, ўқишга ва бошқа бирор юмуш билан кўчага отланишни ёки бугунги қиладиған ишларимизни ҳаёлда бўлса-да режа қиламиз.

БОЛА КЕЛТИРИСДАН БАЛО...

Эрталаб ўқишга йўл олаётган бола ота-онасидан қундалик сарф-харажати учун пул сўрайди. Бу табий ҳол, албатта.

Энди болаларини топгунга қадар ота-оналарнинг қандай аҳволга тушгани, ҳаёлидан ўша вақтда нималар ўтганини тасаввур қилиб кўринган-а? Айти дамба мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд фуқаронинг интернетдан фойдаланиши ва уларнинг қарийб 80 фоизи ёшлар эканини инобатга олсак, бу ҳақда чуқурроқ мушоҳада қилишимизга тўғри келади.

Илк компютер ўйинлари ўтган асрининг 70-йилларида яратилган. Дастлаб, инсон интеллектuali салохиятини ошириш ёки зеркиқининг олдини олишга хизмат қилган ўйинларга кейинчалик жанговарлик туси берилиб, ранг-баранг ва турли хил номлар билан ишлаб чиқарила бошланди.



олишга хизмат қилган ўйинларга кейинчалик жанговарлик туси берилиб, ранг-баранг ва турли хил номлар билан ишлаб чиқарила бошланди.

мумкин. 2004 йилда ташкил этилган, ҳозирда жаҳоннинг энг йirik ижтимоий тармоқларидан бири «Facebook» компанияси 200 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги акцияга эга.

ИНТЕРНЕТ ШИФОХОНА ИШГА ТУШДИ

Бундан бир неча йил олдин курсдошим Гулмирада ғайритабiiий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Ҳамма билан яқин бўлиб кетган курсдошим барчадан ўзини тортар, атрофдагиларга бефарқ, ўзини эса танҳо ҳисобларди.

Гулмиранинги айтишича, ўша вақтда телефондаги ўйинлар-у ижтимоий тармоқлар ҳаёти мазмунига айланган, телефонсиз эса ўзини ёлғиз ҳис қилган. Албатта, бу ҳолат учун уни айбдор дейиш қийин. Чунки бу «янги касаллик»нинг илк кўриниши эди.

«Она ва бола соғлом бўлса, жамият мустақам бўлади» Журнал «Соғлом она ва бола — мустақам жамият асоси» сарлавҳа билан бошланади. Мақолада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларида бири этиб белгиланганлиги, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, хотин-қизларнинг турмуш шaroити ва дароҳасини ҳар томонлама яхшилаш юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлмали ишлар хусусида атрофлича фикр юритилди.

Сулаймон ХАЙДАРОВ, «Ishonch» мухбири

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

